



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 11 февраль, чоршанба

№12 (11.607)

Эркин нархда сотилади



7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш йўли изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилганини таъкидлади. Натижада макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиёт ўсиши-

нинг барқарор суръатлари таъминланиб, ялпи ички маҳсулот 4,4 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш эса 7,9 фоиз кўпайди. Қатъий пул-кредит сиёсати юритилиши туфайли ўртача йиллик пул

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ



массаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 10,9 фоиз қискарди. Инфляция даражаси 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 3,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз ўсди.

Амаллаштириш курсларини бирхиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилган изчил чора-тадбирлар жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва Халқаро валюта жамағмаси Битимининг VIII модда-

сига қўшилиш имконини берди.

Узоқни кўзлаб сиёсат юритиш натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди.

Президентимиз йиғилганлар эътиборини иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислохотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммоларга қаратди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов, Қишлоқ ва сув

ҳўжалиги вазири А.Жўраев, «Ўзбекнефтсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Бахромова, «Файз» ҳолдинг компанияси раиси М.Азимова, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлари А.Отабоев, Р.Хайдаров сўзга чиқди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ў.А.)

СУРАТЛАРДА: мажлис пайтидан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Президент Ислон Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги

МАЪРУЗАСИ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бизнинг бугунги йиғилишимиздан кўзда тутилган мақсад — мамлакатимизнинг 2003 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунларини сарҳисоб қилишдан иборат.

Шу билан бирга, биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, жорий, яъни 2004 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш бўйича олдимизда турган асосий вазифа ва йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Шу мақсадда ўтган йил якунларининг асосий кўрсаткичларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги мулоҳаза ва хулосаларни чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда. Кейинги олтмиш йил давомида ялпи ички маҳ-

сулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда.

Ўтган йили бу кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида 2001 йилдаёқ ислохотлар бошланган 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишга эришган ягона мамлакатдир.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқлари изчил ривожланмоқда. Хисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, электротехника саноатида (10 фоиз), машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш соҳасида (30 фоиз), енгил саноат (6,2 фоиз), автотомобилсозлик (29,1 фоиз) ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришда (8,4 фоиз) ўсиш суръатлари шу-

нинг далилидир.

2003 йили республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми амалда бажарилиб, давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 2 фоиз ўрнига 0,4 фоизни ташкил этди.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати, авваламбор, бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хисобот даврида даромад солиғи ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, ижтимоий сугурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга камайтирилди, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Буларнинг барчаси солиқ тизимининг янада очик, ошқоралигини таъминлаш ва унификация қилиш имконини бериб қолмасдан, корхоналар зиммасидаги солиқ

юкчини сезиларли даражада енгиллаштиришга ҳам хизмат қилди.

Белгилаб қўйилган тўловлар даражаси 2002 йилга қиёслаганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизга пасайди.

Учинчидан, 2003 йилда қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, пулнинг банкдан ташқарида айланишини ва ялпи пул ҳажмини қисқартириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллардан воз кечиб, ялпи пул массасини бошқаришнинг банк фоиз ставкалари каби бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, замонавий, тез мосланувчан услублари жорий этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача йиллик пул массаси ҳажмини 2002 йилдаги 12,5 фоиздан 10,9 фоизгача ка-

майтириш имконини берди.

Иқтисодий-мулиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуининг изчил амалга оширилиши туфайли инфляция даражасининг кескин пасайишини, яъни бозордаги нарх-навоининг ҳилловлаб олинишини объектив конуний натижа, деб қабул қилишимиз даркор. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди.

Табиийки, инфляциянинг бу қадар кескин пасайиши, аввало, иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига, банк тижорат ставкаларининг пасайишига ва шунақа моливида иқтисодиётнинг реал тармоқларига ҳаратиланидиган кредитлар ҳажмининг жиддий ортишига замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қ А Р О Р И

2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш йўли изчил давом эттирилди, бунинг натижасида:

макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 6,2 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш — 7,9 фоизга ўсди. Асосий сармояга инвестициялар 4,5 фоизга ўсди. Республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг барча моддалари амалда бажарилиди. 2003 йилдаги Давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз тақчиллик билан ижро этилди;

бюджет ва солиқ сиёсатини эркинлаштириш йўли изчил олиб борилди. Фойдадан олинандиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизгача, ижтимоий сугуртага ажратмалар 37,3 фоиздан 35 фоизгача пасайтирилди, солиқларнинг айрим турлари бекор қилинди. Фискал ундиришлар даражаси 2002 йилдаги тақослаганда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизгача камайдди;

пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш, банкдан ташқари айланишни қисқартириш ва пул массаси ҳажмини мақбуллаштириш чора-тадбирлари аниқ мақсадни қўлаб амалга оширилди. Натижада ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 10,9 фоизгача қискарди;

инфляция даражаси кескин пасайди ва 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 2003 йилда 3,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари 12,3 фоизга, тижорат банкларидagi омонатларга депозитлар — 44 фоизга кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилмаётган кредитлар — 2,3 баравар ўсди;

қатъий пул-кредит сиёсати ҳамда айир-бошлаш курсларини бирхиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар таъминланди. Бу 2003 йилда жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ҳамда Халқаро Валюта Жамағмаси Битимининг VIII моддасига қўшилиш имконини берди; ташқи иқтисодий фаолият фаоллашди. Ташқи савдо айланиши ҳажми 17,3 фоизга, экспорт ҳажми — 24,6 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланишида 760 миллион АҚШ долларидан орტიқ миқдорда ижобий сальдога эришилди;

фаол, пухта ўйланган инвестиция сиёсати амалга оширилди. 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига қарийб 2 триллион сўм инвестиция қилинди, бу 2002 йилдагига қараганда 4,5 фоиз кўпиди. Капитал қўйилмалар таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар улуши 2002 йилдагига таққослаганда 57 фоиздан 63 фоизгача ўсди;

расман хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, унинг механизмининг такомиллаштириш юзасидан аниқ қадамлар қўйиш таъминланди. 2003 йилда 2015 объект ва акциялар пакетлари сотилди, бу 2002 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпиди. Солиқ давлат мулки негизда 980 тадан орტიқ хусусий корхона ва 400 га яқин мулкчиликнинг бошқа нодавлат шаклларидаги корхоналар ташкил этилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми бир йилда 1,3 баравар ўсди, шу жумладан мол-мулкни хоржий инвесторларга сотишдан тушум 3,4 баравар кўпайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,5 фоизга етди. Кичик бизнес корхоналарида ишлаганлар салмоғи иқтисодиётда банд бўлганлар ҳам сонининг 57,0 фоиздан кўпрогини ташкил қилди;

98,6 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 143 академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 22,1 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умумтаълим мактаблари, қўшма 14,5 минг беморага хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни ислох қилишга доир қўйилган вазифаларнинг барчаси ҳам узининг тўлиқ мантикий якунини топмади;

корхоналарни хусусийлаштириш дастурлари топширилди, айниқса, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзвато-саноат» уюшмаси, «Ўзқилиққўжалиқмаш-холдинг» ҳолдинг компанияси, «Ўзэлтех-саноат» уюшмаси тизимида, шунингдек Жизжаз, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари корхоналари бўйича бажарилмади. Акцияларнинг давлат пакетларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш ишлари суғурта қилинган. Акциялар пакетларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришда ортиқча эҳтиёткорлик намоён бўлмақда;

капитал қурилишда ислохотлар жараёни суғурта қилинганда, пудрат ва лойиҳалаш ишларининг самарали бозори ташкил этилмаган, лойиҳа-қидирув ташкилотларини хусусийлаштириш қоникорсиз бормоқда;

қишлоқда шартнома интизомни пастлигича қолмоқда, фермер ва деҳқон хўжалиқлари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган;

хўжалик бошқарувида маъмуриятчилик усуллари бартараф этилмаган. Биринчи навбатда, хомашё ва материаллар асосий турларини тақсимлашда маъмуриятчилик сақланиб қолмоқда, товар-хомашё биржалари фаолияти қоникорсиз ташкил этилган, уларнинг айланимлари даражаси пастлигича қолмоқда;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси зарур даражада ривожлантирилмади. қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолмоқда;

умумтаълим мактабларининг ҳолатини ва биринчи навбатда, уларнинг моддий базасини қоникорли деб бўлмайди.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ўн кун муддатда минтақаларда, тармоқларда ва иқтисодиёт секторларида иқтисодий ислохотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

3. Қуйидагилар 2004 йилдаги асосий устувор йўналишлар деб ҳисоблансин: капитал қурилишда, қишлоқ хўжалиғида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бошланган иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, уларни изчил ва мантикий давом эттириш;

ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш йўлини давом эттириш, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ «юки»ни камайтириш;

хусусийлаштириш жараёنларига янгича ривож бахш этиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги қўлими ва улушини кенгайтириш;

қишлоқ хўжалиғида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, шартнома интизомни мустаҳкамлашга, фермер ва деҳқон хўжалиқлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилашга йўналтирилган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш;

давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин қисқартириш ва чеклашга қаратилган маъмурий ислохотларни амалга ошириш, бошқарув тузилмаси ва тизимини тубдан ўзгартириш, бошқаруving зарур бўлмаган бўғинларини тугатиш;

тақсимлаш тизимининг эски маъмурий-бўйруқбозлик, марказлаштирилган тизимини тугатиш, моддий ресурсларни биржалар, ким ошди савдолари, ярмарка савдолари орқали сотишнинг бозор механизми-ларига ўтиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётни ривожлантиришда, иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш ва аҳоли даромадларини оширишда уларнинг ролини кучайтириш;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш;

(Давоми 3-бетда).

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

Гиёҳвандлик — аср вабосига айланди. Жаҳон ҳамжамияти уни бартараф этишга бир тан-бир жон бўлиб киришганлигининг сабаби шунда.

Асосий эътибор бу дарднинг олдини олиш учун ташвиқот-тарғибот олиб бориш, одамларни унинг асо-ратлари ва оқибатлари билан чуқур таништиришга, наркотик моддалар ноқонуний тарқалишига барҳам беришга қаратилмоқда.

Шу жиҳатдан Тошкентда ўз иш-ини якунлаган республика семинар-тренинги катта қизиқиш уйғотди. Бу тадбир ЮСАИДнинг «Ўзбекистон ва Тожикистонда гиёҳванд моддаларга эҳтиёжини пасайтириш» дастури доирасида ўтди. Унда давлат муас-

сасалари ва ноҳукумат ташкилотлар-нинг вакиллари иштирок этишди. Иштирокчилар «Оиладан — оила-га» дастури самарадорлигини оши-риш чоралари, гиёҳвандлик модда-ларига эҳтиёжини сусайтириш, оила-ни мустаҳкамлаш муаммолари тева-рагида фикр алмашдилар.

Машгулотда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қиз-лар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.



Бу ҳақда сессияда гапирилган эду

ҲАЗАЛКЕНТ ҲАМОН УЙҚУДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясидан бўён қарийб икки ҳафта вақт ўтди. Президентимизнинг сессиядаги ку-ючаклик билан айтган гаплари бизни ҳамон тарқ этгани йўқ. Айниқса, Юртбошимизнинг нутқида бугун вилоятимизнинг бир қатор шаҳар, туманларидаги ижтимоий ҳаёт, аҳолининг турмуш тарзи, бу борадаги муаммолар, ишлаб чиқаришдаги йўл қўйилмаган камчиликлар, умуман бугунги ислохотларнинг оқсаят-ганлиги ҳусусида билдирган фикрлари барчасини сергаклантирди. Айни вақтда бундан бўён ўзгача ташаббус ва ҳаракат билан астойдил ишга киришиш учун дастур бўлди.

(Давоми 4-бетда).



ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз, уларнинг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажми 44 фоиз кўпайди, кредитлар бериш, биринчи навбатда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдори 2,3 баробар ортди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилган ишлар, хусусан, бир томондан, катъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши, иккинчи томондан эса алмашув курсларини унификация қилиш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган катъий чоралар биз учун 2003 йилда миллий пулимиз — сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш ва 2003 йилнинг 15 октябрида Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиш имконини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз бунга аввало ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, яъни бунинг учун ташқаридан қарз олмаддан туриб, олтин-валюта захира-ларимизни нафақат сақлаб қолишга, балки уларни сезиларли даражада қўлайтиришга ҳам эришдик.

Бу иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилиш йўлидаги мураккаб ва оғир, яъни пайтда қадар қадим бўлди.

Биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта соҳасида олиб бораётган эркинлаштириш сиёсатимизнинг натижалари ва самарасини бугуннинг ўзидаёқ қўришимиз мумкин.

Ҳисобот даврида ташқи савдо айланимаси ҳақининг 17 фоиздан кўпроқ ошгани ҳам бу фикрни исботлайди. Шу билан бирга, юрти-мизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми 24,6 фоиз кўпайди. Мамлакатимизнинг тўлов қобилияти мустаҳкамланди, ташқи савдо айлани-масида 760 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри, яъни, ҳукумат қаролиқисиз жалб этилган хорижий инвестиция ва кредит-лар ҳам 2,5 баробар ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш иқтисодий фаолият қўламини кенгайтириш ва ҳажмининг орттиши билан бир қаторда, унинг таркибида, бу фаолиятни ташкил этиш ти-зимининг ўзида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди.

Бугунги кунда биз жаҳон бозорига фақат аънанавий хомашёлар — пахта, рангли металллар ва бошқа маҳсу-лотлар чиқариш билан че-кланиб қолаётганимиз йўқ. Экспорт таркибида тайёр буюмлар, чуқур қайта иш-ланган, яъни қўшилган қий-мати анча юқори бўлган маҳ-сулотлар тобора катта ўрин эгалламоқда.

Агар мустақилликнинг биринчи йилларида пахта то-ласи умумий экспорт ҳаж-мининг 50 фоиздан кўпро-ғини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсат-ки 20 фоиздан ортмайди.

Айни пайтда пахтадан тай-ёрланган ип-калав ва газ-ламалар, шунингдек, пласт-масса ва химийвий маҳсу-лотлар, автомобиллар, хизмат-лар ва бошқа маҳсулотлар экспортти кескин равиш-да ўсди.

Импорт таркиби ҳам си-фат жиҳатидан анча ўзгар-ди. Биз асосий эътиборни иқтисодиётнинг етакчи тар-моқларини модернизация-лаш ва технологик жиҳат-дан янгиллашга, рақобат-да бардошли маҳсулот тайёр-лашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш-га қаратганмиз. Бу ҳаммага яхши маълум.

Шу босидан ҳам импорт қилинаётган маҳсулотлар орасида машиналар, турли дастгоҳ ва ускуналарнинг кўп экани бежиз эмас. Таш-қи савдо муносабатлари янада такомиллаштиришда маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ва бутловчи қисм-лар ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган маҳаллий-лаштириш дастурининг иж-роси муҳим аҳамият касб эт-моқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида ташқи алоқаларнинг жүро-ғий қўламини сезиларли да-ражада кенгайтирди. Иқтисо-дий ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик муноса-батлари анча мустаҳкамлан-ди.

Ҳозирги кунда ташқи сав-до айланимасининг ярмидан кўпи ана шундай мамлакат-лар ҳиссасига тўғри кела-ди.

Бешинчидан, ҳар томон-лама пухта ўйланган, фаол олиб борилаётган инвести-ция сиёсати иқтисодиёти-миздаги барқарорлик, тар-кибий ва сифат ўзгаришла-рини белгилловчи муҳим омил бўлмоқда.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни аввалги йилга нисбатан 4,5 фоиз кўп сармоялар киритилгани ҳам бунга аққол кўрсатади.

Бу инвестицияларнинг асосий қисми, ўтган йиллар-да бўлганидек, Ўзбекисто-нимизнинг жаҳон бозорига муносиб ўрин эгаллашда ҳал қилувчи роль ўйнайди-ган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек, иқтисодий соҳа, авваломбор, таълим ва тиббиёт соҳала-рини ривожлантиришга йўналтирилди.

Инвестиция манбалари-нинг таркиби ҳам ўзгарди — иқтисодиётини эркинлашти-риш шариоитида марказлаш-ган сармоялар ҳақининг ка-майиб бориши объектив ҳолатга айланди.

Айни вақтда корхоналар-нинг ўз маблағлари, тижор-ат банклари кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инве-стицияларнинг бу борадаги улуши ортиб бормоқда.

Масалан, капитал қўйил-малар таркибидаги бундай сармояларнинг ҳиссаси 2002 йилга нисбатан 57 фоиздан 63 фоизга ошди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлашти-ришнинг умумий миқдори 602,3 миллион Америка Қўшма Штатлари доллари-ни ташкил этди. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари қарийб 1,6 марта кўпайди.

2003 йилда иқтисодиёти-мизнинг стратегик аҳамият-га эга бўлган муҳим тармоқ-ларига йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари таъ-минланди.

Булар қаторига «Шўртан» газконденсат қонида қурил-ган компрессор станцияси-ни, Шимоллий Ўртабўлоқ ко-нида ва Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирилшаси-да ишга туширилган янги қувватларни киритиш мум-кин.

Шунингдек, «Мурунгов» қонидаги казаш ишларини жадаллаштириш лойиҳаси, кўмир саноатини техник қай-та жиҳозлаш ишларининг биринчи босқичи муваффа-қиятли аяқланди.

Самарқанд шаҳрида «Президент-отель» меҳмон-хонаси барпо этилди, Тош-кент шаҳрида 4 та меҳмон-хона мажмуи тубдан таъмир-ланиб, фойдаланишга топ-ширилди. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йил давомида «Бестекс», «Балиқчи текстиль» ва «Юйим текстиль» қўшма корхонала-рида ип-калав ва газлама ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди.

Қўқондаги суперфосфат заводини реконструкция қилиш, «Сурхон текстиль», «Ядем текстиль» қўшма кор-хоналарини ташкил этиш, «Ишонч» акциядорлик жами-яти ва «Велай-силк» қўшма корхонасини ипак калаваси ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тех-ник қайта жиҳозлаш ишла-ри аяқланди.

2003 йилда ҳамми 100 минг ўринга эга бўлган 143 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, ку-нига 15,5 минг, шу жумла-дан, қишлоқ жойларида 14,5 минг беморага хизмат кўрсатадиган поликлиника ва қишлоқ врачлик пункт-лари барпо этилди.

Автомобиль ва темир йўл тармоқларини, телекомму-никация тизимини ривож-лантириш масалалари дои-мий эътиборимиз маркази-да турганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Ҳисобот даврида янги На-войй-Учкудук-Султон Увайс-тоғ-Нукус темир йўли қуриб битказилиб, йўловчи ва юк ташиш ишлари бошлаб юбо-рилди.

Биз Ҳазорасп туманидаги Тошқоқ қўрғон яқинида Амударё узра бунёд этилаёт-ган улкан темир йўл кўпри-ғи қурилишини тугаллаш арасида турибмиз. Бу ин-шоотнинг лойиҳа қиймати, ён-атрофидаги йўллар билан ҳисоблаганда, 33,5 милли-ард сўмни ташкил этади.

Мавжуд табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, мамлакатимиз-нинг шимолий ҳудудларини ҳар томонлама ривожлан-тиришда бамисоли қон томи-ри бўлиб хизмат қиладиган бу ноёб иншоотнинг ишга туширилиши қандай катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши тушунасиз.

Жанубий йўналишдаги янги Ғузор-Бойсун-Қумқў-ғон темир йўли қурилиши ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу йўл Қашқадарё ва Сур-хондарё вилоятларини рив-ожлантириш, у ердаги йи-рик табиий бойликларни ўзлаштириш учун қўлай им-кониятлар очади.

Айни пайтда ушбу йўл халқаро аҳамиятга эга бўлган, Трансфрон деб ном олган лойиҳани амалга оши-риш орқали мамлакатимиз-нинг жаҳондаги жаҳон ден-ғиз коммуникацияларига чи-қишини таъминлайдиган янги транспорт йўлига бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

Юртимизда автомобиль йўллари тармоғини муста-ҳкамлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Биз Қамчиқ довонида тун-неллар қурилиши, умуман янги автомобиль йўллари-ни барпо этиш ва реконструк-ция қилиш намунасида Шарқ-Ғарб, Жануб-Шимол йўналишлари бўйича мамла-катимизнинг барча ҳудудла-рини транспорт йўллари билан ўзаро боғлашга эриш-дик.

Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг вилоят ва туманлари иқтисодиёти-ни комплекс ривожланти-риш учун янги имкониятлар очиб беради.

Кейинги йилларда ахбор-рот ва коммуникация техно-логиялари, телекоммуника-ция соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Қисқа вақт ичида мамла-катимизнинг исталган нуқ-тасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъмин-лайдиган кўп тармоқли ком-муникация алоқа тизими ташкил этилди.

Бугунги кунда республи-ка шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқ-лари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат бера-ди.

Барчамизга маълумки, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш халқаро Интернет тизимида кенг миқ-ёсда уланши билан бевоси-та боғлиқдир.

Бу борада ҳам охириги йилларда ҳавас қилса арзий-диган ўзгаришлар рўй бер-моқда. Биргина 2003 йилда Интернетдан фойдаланувчи-лар сони қарийб икки бара-вар кўпайди ва бугун ахбор-рот хизматининг ушбу тури-дан мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси фойдаланмоқда.

Интернет-клублар ва ка-феелар сони ҳам икки бара-вар ортди.

Азиз дўстлар! Ўтган йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривож-лантириш бўйича олиб бор-ган фаолиятимизнинг асосий аюқлари ана шулардан ибор-рат.

Ҳўш, 2003 йилда ва уму-ман ўтган йиллар мобайни-да иқтисодиётимизни рив-ожлантириш ва ислоҳ қилиш борисида ортирған таърибаимизни таҳлил қилиб, қандай ҳулосалар чиқариш мумкин?

Биринчи ва асосий ҳу-лоса — эски маъмурий-бўй-рукбозлик, план-таксимот тизимидан беш тамойилга асосланган эркин, ижтимо-ий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича талла-ш ҳисса қўшаман, деган фикр билан яшаса, бунга маънавий ҳаётимиздаги ҳақиқий уйғо-

иқтисодиётимизни эр-кинлаштиришга қаратилган сиёсат, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос ша-роитида эркин иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолияти-нинг асосий тамойилларига изчил амал қилиш, ҳеч шуб-ҳасиз, ўз самарасини бер-моқда.

Иккинчи муҳим ҳулоса — иқтисодиётни факатгина хомашё ҳисобидан ривож-лантиришга қаратилган йўналиш мутлақо ҳатодир.

Бундай ҳолат худдики наркотик моддага ўрганиб қолган кишининг аҳволини эслатади.

Табиий ва ер ости ресурсларининг қамайиб бориши билан бир қаторда уларнинг чексиз эмаслиги-ни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бундай сиёсат охи-роқибатда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожла-нишга, кўп ҳолларда унинг заиф ва мўрт бўлиб қоли-шига олиб келади.

Бугунги кунда кескин ра-қобат муҳитида фаолият кўрсата оладиган ва одам-ларнинг фаровонлигини таъ-минлашга қодир бўлган иқтисодиётини барпо этиш учун авваломбор нималарга эътибор бериш керак?

Бунинг учун иқтисодиёт-да таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг му-таносилибига ва кўп жиҳат-дан тўлақонли бўлишини таъминлаш, уни доимий ра-вишда модернизация қилиш ва янгилаб бориш, ўз ма-сулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизи-мида муносиб ўрин эгаллай оладиган замонавий тармоқ-ларни жадал ривожланти-риш лозим.

Фақат мана шу тамойил-лар асосида қурилган иқти-содиётгина бу талабга жа-воб бера олади.

Учинчи принципл ҳу-лоса — иқтисодиётдаги ис-лохотлар сиёсий соҳа, дав-лат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидagi чуқур ислохот-лар билан уйғун ҳолда амал-га оширилмаса, уларнинг муваффақият қозониши қи-йин.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараё-ни, агар ушбу ислохотлар юқорида айтилган соҳалар-да ягона мақсад сари қаратилган муштарак вазифа ва ғоялар билан ўзаро боғлиқ бўлмаса, муайян босқичда барча ҳаракатларимиз тур-ли мураккаб ва оғир муам-моларга мукаррар равишда тақалиб қолсин.

Айнан шунинг учун ҳам ўз олдимизга қўяётган ик-кита асосий принципл мақсад — туб демократик ўзгаришлар ва эркин бозор иқтисодиётини шаклланти-риш масаласи бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва би-ририни тўлдирувчи вазифа-лар бўлмоғи даркор.

Тўртинчи ҳулоса — ис-лохотлар ва ўзгаришлар йўлида факатгина эришил-ган марралар билан чека-ниб қолиш асло мумкин эмас.

Авалло, барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим — яъни иқтисодиётдаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон нияҳа билмайди.

Албатта, бирон-бир бос-қич аяқуналиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янги-янги босқич ва вазифаларни ҳаммиша олдимизга қўявера-ди.

АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлат-ларда ҳам иқтисодий исло-хотлар доимий давом эти-шини кузатишимиз мумкин. Ахир, ҳаёт тўхтамайди, та-ракқийёт суръатлари доимий изланишни, бинобарин, ис-лохотларни талаб қилади.

Агар биз юксак техноло-гиялар, ахборот тизими ва телекоммуникацияларни олиб келиб ҳаётимизга жо-рий этмасак, қандай қилиб ривожланишга эришиб бўла-ди?

Бу масала, яъни Ўзбекис-тоннинг келажаги қандай бўлади, деган савол бизни доимо ўйлантириши, амалий ишларга сафарбар этиши лозим.

Бутун жамиятимиз, бутун халқимиз, эртага мамлака-тимнинг иқтисодиёти қандай ривож топади, эртага Вата-нининг тақдирини нима бўла-ди ва мен бу ишга қандай ҳисса қўшаман, деган фикр билан яшаса, бунга маънавий ҳаётимиздаги ҳақиқий уйғо-

ниш фасли, чинакам уйғо-ниш мавсуми, деб атаган бўлардим.

Биз 2004 йилга мўлжал-ланган устувор йўналишла-римизни ана шу принципл қоидалардан келиб чиқ-қан ҳолда аниқ белгиллаб олишимиз зарур. Бу, бирин-чи навбатда, бошланган ис-лохотларни ривожлантириш, уларни мантқиқий ва изчил давом эттириш демекдир.

Бу — ислохотларни эр-кинлаштириш ва чуқур-лаштириш, миллий валю-таимизни мунтазам равиш-да мустаҳкамлаб бориш, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкни қамайитириш, чет-дан олиб қириладиган сармояларга кенг йўл очиб бериш, кичик биз-нес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун раг-бантирувчи омиллар яратиш демекдир.

Маълумки, 2004 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми-ни 6 фоиз ошириш кўзда ту-тилмоқда.

Бу ўсиш суръатлари са-ноат, қишлоқ ҳўжалиги, хиз-мат кўрсатиш ва бошқа со-ҳаларни ривожлантириш ҳисобидан таъминланади. Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни жадал суръат-лар билан ривожлантириш-га асосий эътибор қаратила-ди.

Айниқса, таркибий ўзга-ришларни чуқурлаштириш сиёсати изчил давом этади. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислохот-ларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир.

Жорий йилда даромад солиғини 18 фоизга туши-риш мўлжалланмоқда.

Бу йил ўтган йилда амал қилган ижтимоий ажратма-лардан 4,2 фоиз ҳам бўлган ягона ижтимоий тўлов жорий этилади.

Маҳаллий бюджетлар ро-лини сезиларли даражада қучайтириш бўйича тегишли чоралар қўрилади. 2004 йилда давлат бюджетига ҳара-жатларида маҳаллий бюджет-лар улуши 62 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Бу маъмурий ислохотни ўтказиш ва маҳаллий ҳуку-мат органларининг мусти-қиллигини қучайтириш би-лан узвий боғлиқдир.

Хурматли мажлис ишти-роқчилари! Шу ўринда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг алоҳида устувор йўналишлари хусу-сида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло хусусийлашти-риш жараёнида суръати-ни янада тезлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг қўламини ва ҳажминини ошириш масала-лари бўйича ўз мулоҳаза-ларимни билдирмоқчи-ман.

Маълумки, ўтган йили ху-сусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамла-ш борисида қўпгина чора-тад-бирлар амалга оширилди, айтиш мумкинки, расмий ху-сусийлаштиришдан реал ху-сусийлаштириш сари амалий қадамлар қўйилди, бу жа-раёнинг механизмлари та-комиллаштирилди.

Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ва иқтисо-дий ночор корхоналарни со-тиштириш самарали меха-низмлари, шунингдек, энг яхши бизнес-режаларни так-лиф этган ҳамда зиммасига инвестицион мажбурият ол-ган сармоядорларга объект-ларни танлов асосида, ша-роитдан келиб чиққан ҳолда, номига — рамзий нархларда сотиш механизмининг жорий этилиши ҳозирги вақтда ижобий самара бераётгани-ни қайд этиш лозим.

2003 йилда тасдиқланган хусусийлаштириш дастури доирасида 2 минг 15 та объект ва акциялар пакети сотилди, бу эса 2002 йилга қараганда 1,6 марта кўпдир.

Давлат мулкни хусусий-лаштириш неғизига 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди.

Ҳисобот йили давомида 2002 йилга нисбатан корхо-наларнинг активлари 3,5 ба-робар кўп сотилди. Хусусий-лаштиришдан тушган маблағ ҳажми йил мобайнида 1,3 баробар, шу жумладан, мулкни хорижий инвес-торларга сотишдан олинган маблағлар миқдори 3,4 ба-

робарга ортди.

Айни пайтда давлат актив-ларини сотиш бўйича бел-гиланган топшириқлар қатор етакчи тармоқларда, жумла-дан, «Ўзбекнефтьгаз» ҳолдин-г компанияси, «Ўзэлтехсано-ат», «Ўзавтосаноат», «Ўзпах-тасаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқхўжаликмашхол-динг» компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириги томонидан бажарилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Жиззах ва Тошкент вило-ятларида ҳам хусусийлашти-риш бўйича қабул қилинган дастур талабларининг ижроси таъминланмаганини қайд этиш лозим.

Бунга маъзур тармоқ ва ҳудудларда белгиланган ва-зифаларни бажариш меха-низми тўлиқ ишга солилма-гани асосий сабаб бўлмоқ-да. Акция пакетларини но-мига — рамзий нархларда сотишда, айтиш керакки, ортиқча эътиёткорлик қилин-моқда.

Давлат мулки қўмитаси Иқтисодиёт вазириги билан бирга бир ой мuddат ичида 2004 йилда ана шу асосда сотиладиган корхоналар ва объектларнинг қўшимча рўйхатини танқидий нуқтаи назардан ана бир бор қўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тақ-дим этиши ва унинг ижроси устидан катъий мониторинг ўрнатиши зарур.

Бугун таассуф билан ай-тиш керакки, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш масаласига масъулиятсизлик билан юзакни ёндашиш ҳолатларига амалда ҳамон барҳам берилмапти. Бу борада эскирган қарашлар ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқ-да.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

2002 йили 38 та ҳисса-дорлик жамияти зарар би-лан аяқуналган бўлиб, улар-нинг аксарияти аввало «Ўзбексавдо», «Ўзбекбиро-лашув» ва «Ўздонмахсулот» тизимида тегишлидир.

Лекин ана шу жамиятлар ҳиссадорларининг умумий йиғилишларида уларнинг ижроси раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу масалада акциядорлар ва биринчи галда Давлат мулки қўмитасининг принци-пал позицияси қани, деган ҳақи савол тўғилди.

Қўпбал акциядорлик ком-панияларида давлат акция-лари пакети мутлақо эгасиз қолмоқда, улар учун амалда ҳеч қим жавоб берилмапти. Бундай ҳолат билан асло муро-са қилиб бўлмайди.

Яна бир муҳим муаммо. Хусусийлаштириш жараёни қачон аниқ мазмун ва қўри-нишга эга бўлади?

Такорр ва такорр айтиш-га тўғри келади: қачонки қимматли қўғозларнинг ик-киламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб бу-хулпаса, аҳолида акциялар со-тиб олишга иштиёқ ва инти-лиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қўғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қўғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим да-ромад манбаи бўлсагина, бунга эришиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумийиқтисодий комплекси Иқтисодиёт вазириги ва Давлат мулки қўмитаси би-лан биргаликда бу борадаги барча муаммоларни ҳал қилиш бўйича зарур тақлиф-ларни ишлаб чиқсин ва Ва-зирилр Маҳкамасига кирит-син.

Капитал қурилиш со

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Бу масалани ҳал этишда Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмасининг роли умуман сезилмапти. Айтиш керак, мазкур уюшманинг фаолияти йўлида жиддий эътирозлар бор — у асосан расмийлик билан банд, кимнинг қандай манфаатларини ҳимоя қилаётгани ҳам аниқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасига, шахсан Бош вазирга барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда, қисқа муддатда бу масалалар бўйича мавжуд аҳолини батафсил ўрганиб чиқиш ва уни тубдан яхшилашга доир аниқ тақлифлар киритиш вазифаси топширилсин.

Учинчидан — очик айтиш керакки, бугун фермер бўлишни истайдиган одамлар жуда кўп. Аммо, ҳар ким ҳам ҳақиқий фермер бўлолмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Ҳозирги кунда, фермер деганда, биз қандай одамни кўз олдимизга келтираимиз?

Фермер дегани — бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон. **Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ хунар ҳам ос.**

У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва икти-содчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазибаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз махсуслигини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим.

Қўриб турганимиздек, амалда фермердан зарур қўниқма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер ҳўжаликлари-ни рўйхатга олишда бу ишнинг ҳамма томонларини ҳисобга олиб, ўта масъулият билан ёндашиш даркор.

Шу билан бир қаторда, фермерларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш бўйича бизнес мактаблар тармоғини кенгайтириш зарур.

Мен ҳокимлар ва бу соҳага алоқадор бўлган барча раҳбарларни оғohlанганчи қўйимчидан — фермер ҳўжаликлари шакллантириш масаласига жиддий қараш, масъулият ва катта меҳнат талаб қиладиган бу ишни кампаниябозликка айлантириб юбормаслик керак.

Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ ҳўжалигига тегишли яна бир касалликка эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Лўнда қилиб айтганидан бўлсак, бу қўзбўямчилик. Имкон қадар ҳақиқий аҳолини кўрмаслик, қўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш, оғир масала ва муаммолардан ўзини узоқ олиб юриш ҳолатлари, минг афсуски, жойлардаги қўпгина ҳоким ва амалдорларимиз фаолиятида одат бўлиб қолган.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошланиши билан йўл қўйилган қўпол ҳато ва ўзбошимчилик, бепарволик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунла-ниши билан, аввало, ҳар хил табиий ва иқлим инжиқлигини, ўз вақтида қимдир маб-лаг, кредит, ёқилғи, ўғит ажратмагани, кўмак бермагани ва шунга ўхшаган сабаб-ларни ниқоб қилиб олади.

Бундай ҳолатлар нафақат ҳосил етиштиришда, қури-лиш, ижтимоий муаммолар, ободончилик масалалари, аҳолининг кўпгина дарду таъшишларини енчишда ҳам яқол сезилиб туради.

Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашининг охириги сессиясида бундай номаъқул ҳолатлар ҳақида батафсил гаплашиб, муока-ма қилиб олдик.

Ўйлайманки, раҳбар кур-сисига ўтирган ақли, инсо-фи бор, ор-номусли одам-лар бундай гаплардан тўғри хулоса чиқариб олади.

Утган йили бошланган ва 2004 йилда мантиқий якуни-га етказишимиз лозим бўлган **энг муҳим йўналиш-лардан яна бири — маъму-рий ислохотни амалга оширишдан иборат.**

Хабарингиз бор, бу исло-

хотнинг асосий мақсад ва маъно-мазмунини белгилаб берадиган қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ислохот доирасида бошқарув аппаратидаги ходимлар сони 40 минг штат бирлигига ёки 22 фоизга қисқартирилмоқ-да. Ва бу ишни албатта охи-рига етказишимиз даркор.

Маъмурий ислохот бўйи-ча республика комиссияси (Азимов) барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар билан бирга-ликда бу ишни пухта ташкил этиши ва биринчи чорак якунлари бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот бериши лозим.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, айрим вази-рликлар, идора ва ҳудудлар-да маъмурий ислохотни, бошқаруви мазмун-моҳи-ятини ўзгартирмасдан, факат-гина ходимлар сонини шун-чаки қисқартиришдан иборат, деб юзаки қабул қилмоқда-лар.

Биринчи навбатда турли даражадаги бошқарув тузил-малари эски маъмурий-буй-рукбозлик, тақсимлаш тизим-ига хос, ўз умрини ўтаб бўлган вазибалардан халос бўлиши зарур.

Ўз-ўзидан аёнки, агар бу вазибалар бўлмаса, уларни бажарадиган амалдорларга ҳам ҳожат қолмайди. Бундай амалдорларнинг ўзи ҳам эн-диликда уларнинг даври ўтганини, бугун бошқару-вини янгича ёндашувлари, услуб ва воситалари талаб этилаётганини тушуниб ета-ди.

Бундан буён тепадан ту-риб дўқ-пўпса қилиш, маъ-мурий таъйик ўтказиш ва ўзбошимчилик билан қарор-лар қабул қилиш, давлат ресурсларини қимга хохла-сам, шунга бераман қабили-да иш олиб бориш ҳуқуқи ўрнига замонавий бозор ме-ханизмлари, иқтисодий таъ-сир ва рағбатлантириш оми-лари эгаллаш даркор.

Маъмурий ислохотни амалга оширишнинг энг му-ҳим вазифаси — бизга эски тузумдан мерос бўлиб қол-ган, моддий ресурсларни турли ветоалар, лимит ва кўрсатмалар асосида марказ-лаштирилган ҳолда тақсим-лаш тизимига бутунлай бар-хам беришидир.

Ҳозирги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйил-моқда. Тармоқлар бўйича ҳам, ҳудудлар бўйича ҳам бошқарув тизимининг қўл-лаб ортиқча бўғинлари тугатилди. Ҳўжалик йортувчи субъ-ектлар томонидан тақдим эти-ладиган статистик ҳисобот-лар сони кескин қисқарти-рилди. Бу кўрсаткич қишлоқ ҳўжалигига 63 фоизни, са-ноатда эса ўртача 33 фоизни ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча қабул қилинган қарорига биноан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим товарларни истисно қилган-да, ҳар хил ветоалар, лимит-лар асосида товар ва мод-дий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзи тўлиқ бекор қилинади.

Бу қонда, жумладан, пах-та толаси, ёқилғи ва нефть махсусотларни, минерал ўғит-лар, ўсимлик ёғи, ун, шакар каби ўта муҳим ва харидор-гир товарларга нисбатан ҳам жорий этилади.

Буларнинг барчаси бозор тамойилларига тўлиқ мос равишда, товар-хомашё бир-ларига, қиммоди савдолари, ямарка ва бошқа тузилма-лар орқали амалга оширила-ди.

Бу эса, ўз навбатида, то-вар-хомашё биржалари фао-лиятини тубдан қайта қўриб чиқишни талаб этади. Ҳеч қимга сир эмаски, бугунги кунда муайян хомашё ресурсларини биржадан қўра очик бозордан сотиб олиш осон ва арзонга ўтади.

Одамда шундай таассурот туғилдики, на Давлат мулки кўмитаси, на товар-хомашё биржаларининг раҳбар ва хо-димлари биржалар фаолияти самарадорлигини ошириш-дан, бошқача айтганда, ўзла-рининг меҳнат натижасидан манфаатдор эмасга ўхшайди.

Шунинг оқибатида бу бир-жалар олд-сотиқ ишларини фақат расмийлик учун амалга оширадиган, ҳўжақў-ринга ишлайдиган идоралар-га айланиб қолмоқда.

Айнан шу сабабдан товар-хомашё биржаларида товар-ларнинг айланиш даражаси пастлигига қолмоқда.

Масалан, 2003 йилда бу кўрсаткич бирмунча қисқариб,

450 миллиард сўмни ёки жами улгуржи товар айлан-масининг 18 фоизини таш-кил этди, ҳолос.

Ишлаб чиқариш ва техник мақсадларда қўлланадиган махсусотларнинг товарлар айланмасидаги улуши 10 фоиздан ошмайди.

Биржа ходимларининг профессионал малакаси пастлиги, бу ҳол айниқса минтақаларда талаб даража-сида эмаслигини афсус бил-лан қайд этиш лозим.

Товар биржаларининг бун-дай қониқарсиз фаолияти турли олибсотар чаконлар учун қўл келмоқда, товарлар-нинг биржадан ташқарида ҳуфёна айланиши, нархлар-нинг сунъий равишда қим-матлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бош вазир (Мирзиёев), Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов) барча манфаатдор тузилмалар билан бирга-ликда биржа савдосидаги иш-ларнинг аҳолини атрофли-ча, синчиклаб қўриб чиқиш ва товар-хомашё биржалари фаолиятини тубдан яхши-лашга қаратилган аниқ та-қлифлар киритсин.

Хурматли мажлис ишти-рокичлари! **Иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар ҳақида гапи-раб эканмиз,** бугунги кун-да иқтисодиётимизнинг шаклланган тузилмаси бозор механизмига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармок ва соҳалар талаб даражасида ривож топ-маётганини аниқлаб олиши-миз зарур.

Бу борада бизда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуд. Бунини айниқса **хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари** ривожининг орқда қолаётганида кўришимиз мумкин.

Ўзингиз таққослаб кўринг, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий топган мамлакатларнинг ялпи ички махсусоти тарки-бида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фо-изга, Буюк Британия, Кана-да, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич улардан деярли икки баробар кам бўлиб, 40 фоизни ташкил этади.

Эътиборингизни ушбу ма-саланинг яна бир жиҳатига қаратмоқчиман. Илгор мамла-катлар тақрибаси шуни кўрса-тадики, хизмат кўрсатиш тар-моғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортқ-ча ишчи кучларининг катта қисмини ўзига жалб этиши мумкин.

Ҳақон иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг яримдан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилади. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни таш-кил этади. Бизда бу рақам ҳозирча 35-40 фоиздан ош-гани йўқ. Бу масалада биз сезиларли даражада орқда қолмоқдамиз.

Шу ўринда аҳолига хиз-мат кўрсатиш даражаси ша-хардагига нисбатан қишлоқ жойларида икки баравар паст эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг оқсоқ бўлиб турганини қуйидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда аҳоли харажат-ларининг катта қисми истеъм-ол товарларига тўғри кела-ди.

Хизматлар учун эса бу ха-ражатларнинг бор-йўғи 12 фоизни сарфланмоқда. Ҳолбу-ки, Америка Қўшма Штатла-ри ва Япония давлатларида оила бюджетида бу кўрсат-кич қарийб 60 фоизни, Фран-ция, Буюк Британия ва Гер-манияда эса 50 фоизни таш-кил этади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хорижий мамлакат-лар тақрибаси ҳам шундан далолат беради, хизмат кўрсатиш соҳасида хотин-қиз-лар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — но-гиронлар, пенсионерлар, етарли иш тақрибасига эга бўлмаган ёшлар меҳнати кенг қўлланади.

Бу, аввало, иш жадвали-нинг қўлайлиги, иш кунининг тўлиқ эмаслиги, мавсумийли-ги, касаначилик имконияти мавжудлиги билан изоҳлана-ди.

Бизда сартарошлик, ки-йим-кечак, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, савдо, умумий овқатланиш каби аъъанавий хизмат кўрсатиш турлари би-лан бир қаторда бу борадаги

янги, истиқболли йўналишлар — мисол учун, туризм, меҳ-монхона ҳўжалиги, уй-жой қуриш ҳамда таъмирлаш ва бошқа соҳаларни ривожлан-тириш учун беқиёс имкони-ятлар бор.

Сўнгги йилларда хонадон-ларимизда мураккаб маиший техника, компьютер, шахсий транспорт воситалари қўлайиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса ўз на-вбатида уларга малакали хиз-мат кўрсатиш доирасини кен-гайтириш учун шароит ярата-ди.

Таълим ва маданият соҳа-сида, диагностика ва дова-лаш, жисмоний тарбия, дам олишни ташкил этиш бора-лида ҳам фаолият юритиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Айтиш керакки, банк-мо-лия соҳаси, сугурта ва лизинг фаолиятининг маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича бозори ҳам эндигина шаклланимоқда.

Энг муҳими, иқтисодиёт-нинг ушбу тармоғи ўзининг ривожланиши учун катта ка-питал маблағ талаб этмайди ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ниҳоятда мақ-бул ва қўлайдир.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси-га икки ой муддатда Қорақал-погистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга-ликда мамла-катимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлан-тириш бўйича дастур тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш ва-зифаси топширилсин.

Биз учун устувор вазифа қолаётган энг муҳим бўлиб-диган яна бири — **бу кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш масаласи**дир.

Сўнгги пайтда бу йўналиш-да ўта муҳим қонун ҳужжат-лари ой муддатда Қорақал-погистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга-ликда мамла-катимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлан-тириш бўйича дастур тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш ва-зифаси топширилсин.

Хусусий қорхона тўғриси-даги қоидалар қонун нуктаи назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби туб-дан янгиланди ва соддалаш-тирилди.

Ҳозирги вақтда бу ишни битта идорада, таъбир жоиз бўлса, «битта дарича»нинг ўзида тўла амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш билан бир вақтнинг ўзида унинг муҳандислик тармоқла-рига улаштиришга руҳсат бевру-чи ҳўжатлар ҳам расмий-лаштирилди, солиқ ва ста-тистика органларида ҳисоб-дан ўттиш масаласи ҳам ҳал этилди.

Бугунги кунда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичиде бажарилиши шарт.

Айни вақтда мамлакатимиз-да 250 мингга яқин кичик бизнес қорхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ялпи ички махсусотнинг 35 фоизи яна шу қорхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга янги иш ўрни таш-кил этилди.

Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз.

Биринчи масала — яқин беш-ўн йил ичида ушбу со-ҳада ялпи ички махсусотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқа-риши эришиш.

Иккинчи масала — бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъмин-лаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манба-ларидан бирига айланиши лозим.

Доимий диққат маркази-мизда туриши керак бўлган **учинчи масала** — мамлака-тимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик-нинг ўйдовори бўлиши ки-чик ва катта мулкдорлар син-фини шакллантиришдан ибор-ат.

Хурматли дўстлар! Шунинг оқибат олишимиз керакки, умумтаълим мактаб-ларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг

моддий базаси бизни мутлақо қониқтирмайди.

Ҳозирги кунда мактаблар-да 6 миллион 200 минг на-фар фарзандларимиз таълим олмақда.

Мавжуд 9 минг 700 та умумтаълим мактабининг ҳар учтадан биттаси ўқув стан-дартлари талабларига жавоб берадиган мослаштирил-ган биноларда қойлашгани, 88 та мактаб эса айниқса ночор ҳолатда экани барча-мизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Айрим мактабларда бола-лар икки, ҳатто уч сменада ўқимокда. Ҳозирги пайтда мактабларнинг яримдан кўпи компьютерлар билан жиҳоз-ланган ва факат 141 та мак-таб Интернет тизимига улан-ган.

Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъ-минлаш масаласи ҳам жи-дий муаммо бўлиб қолмоқ-да. Бунини ўқитувчиларнинг 30 фоиздан ортиғи олий маълу-мотга эга эмаслиги ҳам кўрса-тиш тўғрисида.

Қатор фанлар, айниқса, чет тили ва бошланғич таъ-лим, химия ва физика, жи-смоний тарбия фанлари бўйи-ча ўқитувчилар етишмайди.

Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш масалалари ҳам жиддий эътибор қарати-шни талаб этади.

Барчамиз шуни ёдда ту-тишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув мас-канлари бўлиши лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур.

Мен мактаблар масаласи ҳақида илгарчи ҳам кўп гапи-рганман. Бу муаммонинг бу-гунги ва эртанги ҳаётимиз учун нақадар муҳимлигини инобатга олиб, бу борада кескин чоралар қўриш вақти етди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги биринчи чорак якунлари бўйича йиғилиши-да умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида қўриб чиқиш керак, деб ҳисоблай-ман.

Бу масала бўйича 2004-2008 йилларга мўлжалланган махсус дастур тайёрлаш ва уни бажариш учун тегишли имкониятларни қидириб то-пиш лозим.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун нафақат бю-джет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу му-ҳим вазибаларнинг моҳияти ва аҳамиятини чўқур англай-диган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб эти-шимиз даркор.

Қадри дўстлар! 2004 йил юртимизда Меҳр ва муруват йили деб эълон қилинганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу бора-да Ҳукуматимиз томонидан йил давомида амалга оши-риладиган ташкилий, ижти-моий-иқтисодий ва маъна-вий-маърифий ишларнинг комплекс дастури қабул қилинди.

Вилоятлар, шаҳар ва ту-манлар ҳокимликлари, вази-рликлар, давлат ва нодавлат идоралари ва ҳўжалик бир-лашмалари раҳбарлари ушбу дастурда белгиланган мақсад ва вазибаларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишлар-и лозим.

Вилоятлар, шаҳар ва ту-манлар ҳокимликлари, вази-рликлар, давлат ва нодавлат идоралари ва ҳўжалик бир-лашмалари раҳбарлари ушбу дастурда белгиланган мақсад ва вазибаларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишлар-и лозим.

Бу борадаги энг асосий вазифа — жамоатчиликни, одамларимизда, аввало, ёшларимиз қалбиде меҳр ва муруват тўғрисида янада юк-салтиришдан иборат. Жа-ми-ятнинг кўмағига муҳтож бўлган ҳар бир инсон ва оилага, биринчи навбатда, ногиронлар, ёлғиз қариялар-га, бокувчисини қўйқатган одамларга ҳар томонлама гамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бур-чимиз бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким жамиятимизда ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмасли-ги лозим.

Халқимизга ҳос бўлган меҳрибонлик, бағрикенглик, каттага ҳурмат, кичикларга иззат каби эзгу ғазилатлар-ни асло унутмаслигимиз, уларни нафақат асраб-авай-лаш, балки қундалик амалий ишларимиз билан бойитиб ва мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Бундай олижаноб мақсад ва муддаоларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-қу-ват, ғайрат-шиқоят, сихат-са-ломатлик, ишларингизга омадлар тилаб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қ А Р О Р И

2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

умумтаълим мактаблари, умумий ўрта таълим тизими тармоқларини янада ривож-лантириш ва мустаҳкамлаш; «Меҳр ва муруват йили» комплекс дасту-рини амалга ошириш бўйича ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маъри-фий тадбирларни амалга ошириш.

4. Қўйидагиларнинг: «Ўзлехсанот» (Умаров), «Ўзватосано-ат» (Парпиев) уюшмалари, «Ўзбекнефтьгаз» миллий ҳолдинг компанияси (Азизов), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ҳолдинг компанияси (Матчонов), Жиззах (Яманку-лов), Сирдарё (Хайдаров) ва Фарғона (Ота-боев) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарла-рининг эътибори — улар томонидан 2003 йил учун хусусийлаштириш дастурларида назарда тутилган қорхоналар давлат акти-варини сотиш бўйича таъсирчан чора-тад-бирлар қўйилмаганлигига;

«Агрошарвис» (Нишонов), «Ўзбек ипаги» (Умаров), «Ўзпахтасаноат» (Зики-реев) уюшмалари, «Ўзбекистон темир йўла-ри» давлат акциядорлик компанияси (Ра-матов), «Ўздонмаҳсулот» давлат корпо-рацияси (Нажмидинов), Қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги вазирили (Жўраев) раҳбарларининг эътибори — акциядорлик жамиятлари устав фондларини қонун ҳужжатларида белгилан-ган миқдорларга етказиш ёҳуд уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлан-тириш бўйича ишларининг етарли эмасли-га қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қо-рақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан бирга-ликда бир ҳафта муддатда 2003 йилда хусусий-

Tagbir

ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кейинги пайтда волея етмаган ёшлар, қолаверса, аёллари-миз орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гийёҳвандлик моддаларини тарқатиш билан боғлиқ жиноятчиликнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда шу ҳолга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда Олмалиқ шаҳрида мутасадди ташкилотларнинг ўз ишларига масъу-

лиятсизликлари туфайли бир қатор ҳуқуқбузарликлар ортиб бораётди. Мана шу кўнгилсиз

ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маъмурий идоралар билан биргаликда амалий чора-тадбирлар белгиланди. Лекин, шунга қарамай, хотин-қизлар орасида ушбу аялчи ҳодисалар кўпаймоқда. Вилоят бўйича оладиган бўлсак,

аёллар томонидан содир этилган ҳар ўн жиноятнинг биттаси олмалиқлик ҳуқуқбузарлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, волея етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик бир-мунча ўсган. Вилоятдаги ҳар еттинчи ҳуқуқбузар ўсмир-

ёшларнинг бири Олмалиқ ҳисобига тўғри келмоқда. Талбирда сўзга чиққан нотиклар томонидан бу низоҳатда ачинарли аҳвол эканлиги таъкидланди. Бу ноҳус ҳолатларга кўпинча ўсмир қизлар ҳам аралашиб қолаётди.

Волея етмаган ёшларнинг назоратсизлиги, уларнинг 30 фоизи ҳеч қаерда ишламаслиги кишини ташвишлан-тирмай қолмайди. Ингилишда шаҳар халқ

таълими бошқармаси, ички ишлар бўлимига жиддий эътирозлар билдирилди. Шунингдек, бундай ҳолатларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «панжа» орасидан қараётгани таъкидланди.

Талбирда мутасадди идораларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари белгилаб чиқилди ва уларнинг ижроси алоҳида назоратга олиниши таъкидланди. Халқ таълими муассасалари, маҳалла фаол-

лари, посбон ва педагог-тарбиячилар бу ишга зудлик билан киришиши белгилаб қўйилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ СУЛТОНИ

Кунин кеча П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежидида Алишер Навоий таваллудини 563 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда билим юртининг талабалари ва ўқитувчилари иштирок эттиди.

Тадбирни коллеж раҳбари Маъмура Юсупова кириш сўзи билан очар экан, Алишер Навоийнинг ўзбек шеърларида тутган ўрни, у яратган асарлар ҳақида ўз фикрларини баён этди.

Талабалар томонидан Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ сахна кўри-нишларининг тайёрлангани тадбир янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. Айниқса, «Алишер ва Гули», «Фарход ва Ширин», «Лутфий ва Навоий»ларнинг сахнадаги суҳбатлари талабаларда катта таассурот қолдирди.

Маъмура АҲМЕДОВА.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ РАССОМЛАР НИГОҲИДА

Бадий академия марказий кўргазмалар залида буюк аломларимиз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳамда Камолддин Бехзод ижоди рассомлар нигоҳида мавзуда кўргазма очилди. У Камолддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музей мажмуаси билан ҳам-қораликда ташкил этилди.

Кўргазмадан жой олган бир юз элликдан кўпроқ асарда Алишер Навоийнинг сўз мулки султонини, Бехзоднинг китобот санъати устаси ва мусаввир, Бобурнинг давлат арбоби ва адиб сифатидаги фаолияти қирралари моҳирона акс эттирилган. Картиналар орасида таниқли рассом, академик Саъдулла Абдуллаев, Темур Саъдуллаев, Содик Раҳмоновнинг асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу ерда 14-19-асрларга оид кўлэмалар, таникли уста ва ҳунармандларнинг нодир буюмлари, шунингдек, Республика рассомлик коллежи талабаларининг ижод намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, вилоятимизда Президентимиз нутқида кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда келгусида олдимизда турган вазифаларни бажариш юзасидан зудлик билан амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр тармоқларидаги узилтишларга барҳам бериш, коммуникация тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳаларидаги муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш суръатларини ошириш юзасидан аниқ ва истиқболли дастур ҳамда режалар ишлаб чиқилиб, амалий ишлар бошланмоқда.

Қатор шаҳар ва туманларда ҳам юзага келган вазиятни бартараф этиш, шу пайтгача эътибордан четда қолган кўп ҳолатларни ўнглаш учун тегишли чоралар кўрилмоқда, деган фикрдимиз. Лекин... «Яқинда мен Ҳазратқент шаҳридан ўтаётгани, унинг қандай аҳволга тушиб қолганини кўриб, жуда ачиндим. Беихтиёр, бу жойнинг эгаси борми ўзи, деб ўйладим...» Президентимизнинг сессиядаги ушбу гапларидан сўнг, айниқса, бу шаҳарда катта ишлар амалга оширила бошлангани аниқ, деган ўй билан Ҳазратқент шаҳрида бўлдим.

Афсуски, бизнинг бу мулоҳазамиз ўз тасдиғини топмади. Бўстонлик тумани марказидаги аҳолини кўриб, танишиб ҳам ҳайратландик, ҳам ҳайрон бўлдик. Келинг, энди бу ҳақда сиз ҳам эшинг.

Шаҳарга кираверишдаги туман марказий уйингоҳини бугун кўрган киши ҳусусий автомобиллар учун ажратилган жой бўлса керак деб ўйлайди. Уйингоҳ эшиклари ланг очиклиги, бу ерга хоҳлаганда кириб, хоҳлаганда чиқиб кетаётган автомобиллар ҳам ҳолва экан. Сабаби спорт мажмуи бугун машиналарни ювиш жойига айланибди. Уйингоҳнинг шундоқкина ёнидаги ҳолат эса таъбингни баттарроқ тирриқ қилади. Қандайдир бинодан қордевор ёдгорлик қолган. Бинонинг эгаси керакли қисмларни бузиб олган, қолгани кимга керак бўлса олаверсин қабилида вайронани ташлаб кетган. Туман маркази дарвозасида-

(Давоми. Боши 1-бетда).



ги бу манзара шу пайтгача ҳеч кимнинг гашини келтирмаганини қаранг.

Шаҳар томон ичкарилаганимиз сари бунданга ҳуқуқ манзараларга дуч келавердик.

Шундоқкина катта йўл бўйидаги кўп қаватли уйларнинг атрофидаги катта зовур ичида қамишлар ўсиб ётибди. Атрофига эса аҳоли


дурасул ака» деб таништирган одамдан билиб олдик.

Кўчаларнинг ҳали-ҳануз рус тилида аталаётгани, номлари ўзгартирилганлари ҳам ҳеч қаерда акс эттирилмаганлигига нима ҳам дейиш мумкин?

Йўллардаги сим-ёғочларда электр симларини осилиб ётибди, йўл четидаги чинорларнинг шоҳлари ҳар томонга тарвақайлаб,

сиз. Ариқлари тозаланмаган, атрофи қаровсиз «Островский», «Некрасов», «8-Март» кўчаларида ҳам лоқайдлик ҳукмрон. Бу маҳаллаларда на орасталлик, на бир саранжомлик бор.

Бу ҳам майли. Аммо, «ул. Ленина» деган ёзувга кўзимиз тушганда, нахотки, деб юбордик. Хайриятки, сўраб суриштирганимиздан сўнг бу



ҲАЗАЛКЕНТ ҲАМОН УЙҚУДА

чиқиндилар чиқариб ташламоқда. Ана шу жойнинг бир тарафида ёдгорлик тоши ўрнатилиб, кичик хиёбон барпо этилибди-ю, бироқ бу ердаги аҳвол ҳам атрофидаги манзарамга мос. Хиёбондаги ўриндиқлардан фақат темир тутқичлари қолган, даракларга қанон шакл берилганини ҳеч ким эслай олмас ҳам керак.

Шу аснода туман марказий деҳқон бозорига етиб бордик. Кун исгани боис бу ердаги ахлат уюмларидан тарқалаётган бадбўй хид атрофни тутиб кетган.

Аҳоли турар жойлари, маҳаллалар томон юзланамиз. Бу ерда қайси кўчага кирганимизни билмай, адашиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Чунки, кўчаларнинг номи ва кўп уйларнинг тартиб рақамлари ёзилмаган. Дастлабки кирган кўчамиз «Заводской» деб номланишини ўзини шу ерлик «Аб-

айримлари ана шу электр симларига чирмашиб кетган. Махтумқули номи кўчадаги ариқлар ахлат аралаш балчиқга тўлган, акриқ босган.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, ақсарият кўчалардаги бир ҳолат бизни, айниқса, ажаблантирди. Хар бир хонадон эшиги олдида шағал, қум, ўтин, ҳеч бўлмаганда гўнг тўкиб қўйилган. Балки бу тирикчилик ваҳидир. Аммо, ҳар қандай хатти-ҳаракатимиз атроф-муҳитга таъсир ўтказмаслиги, унинг ҳуснига соя солмаслиги керак-да! Нахотки бу оддий ҳақиқатни маҳаллалар оқсоқоллари, қолаверса, аҳолининг ўзи тушуниб етмаган бўлса?

«Чапаев» (бир хонадон эшигида шундай ёзилган экан. Янги номи бордир, аммо билолмадик) кўчасидаги йўл нотекислигидан қадамнингизда чуқур санай-

ном анча олдин Амир Темур номи билан ўзгартирилганлигини билиб олдик. Лекин, нима учун ёзувлар ҳануз алмаштирилмаганлигини тушунолмадик. Ёки бу ҳам бепарволик, лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳосиласимикан?

Чалкашликларни ойдинлаштириш мақсадида «Амир Темур» кўчаси қайси маҳаллага қарашли эканлигини сўраганимизда, шу ерлик аҳолидан жавоб ололмаганлигимиз бизни янада ҳайратлантирди. Маҳаллаларда суҳбатдошларимиздан баъзилари ҳатто оқсоқолни танимасликларини айтидилар. Қизик, халқ танимайдиган оқсоқол рисоладагидек иш юртиши, эл қорига яраши, одамларнинг оғирини енгил қилиши, маҳаллани обод тутуши мумкинми?

Сафаримиз давомида 2-умумтаълим мактабда ҳам бўлдик. Муассаса ҳудудида


ободончилик ўрнига қўйилган. Аммо, мактаб эшигидан бир қадам чиқшингиз билан чиқиндиларга қочиласиз. Ўқувчилар ўз синф хоналари ва ҳовилалари суғуриб-сидириб, ахлатни кўчага олиб чиқиб ташлашар экан.

Шу кунин Ҳазратқент шаҳри ҳудудидаги аҳволдан ранжидик. Тўғри, туман ҳокимлигига яқин масканлар ҳар ҳолда тартибга келтирилган. Аммо, сал нарироқ ўтсангиз, юқоридагиларданда ачинарлироқ манзараларга дуч келасиз. Ваҳоланки, туман раҳбарларининг ўзлари ҳам Ҳазратқентда яшайдилар. Тўғри, улар истикомат қиладиган уйларнинг олди тоза, ораста, йўллари текис, газ ва ичимлик суви таъминоти бадавтир, чироқлари ўчмайдди. Нима, кўча ободлиги учун у ерда раҳбар ашаши шартми? (Бу бизнинг эмас, аҳолининг таъкиди).

«Наврўз» маҳалласи оқсоқоли Абдуҳамид Пирматовнинг айтишича, вилоят сессиясидан сўнг туманда катта иш бошланган. Яъни ҳар бир маҳаллада кенг ободонлаштириш ишлари кетаётган экан. Афсуски, бу сўзларнинг исботини биз ушбу маҳалладан бўлак ерда кўрганимиз йўқ.

СУРАТЛАРДА: маҳаллий аҳоли «Камчатка» деб атайдиган Ержова кўчасининг аҳоли (1-бетда); бу кўчанинг қандай номдалигини Ҳазратқентликларнинг ўзлари ҳам билишмайди; туман марказий уйингоҳи ҳудудида «Ўйилаётган» машиналар; шаҳар шоҳ бекати рўнарсидидаги кўп қаватли уйларга туташ ботқоқлик, чақалақзордан ҳам истаган нарсангиз топилади; туман давлат солиқ инспекцияси биноси қаршисидаги ахлат уюмлари.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

• Sport

КЕЛЕСЛИК БЕШ ПОЛВОН

Тошкент тумани маркази — Келес шаҳридаги «Шоҳрух» спорт-соғломлаштириш мажмуасида 9-13 ёшли болалар ўртасида қаратэ бўйича республика чемпионатига саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

200 нафарга яқин ёш қаратэчилар бешта ёш гуруҳда ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Унга кўра, Фозил Собиров, Нурмухаммад Абдуллаев, Қодир Усенов, Дилшод Юсупов, Камолддин Нурриддинов сингари навқирон спортчилар шу йил 27 февралда Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтадиган қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатига қатнашиш имкониятини кўлга киритишди.

Воҳид БОЙМУРОВОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИНДА

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Кураш ҳаққаро ассоциацияси (КХА) шаффе-лисида 2004 йилда ўтказиладиган мусобақаларга бағишланган матбуот анжумани бўлди.

– Жорий йилда кураш бўйича кўлаб нуфузли мусобақалар ташкил қилинади, – деди КХА бош қотиби Умид Ёкубов. – Ёнг аҳамиятлиси, Осиё, Европа, Панамерика, Океания ва Африкада қитъа чемпионатлари, Бразилияда катталар ўртасида жаҳон чемпионати ва кураш ватани – Ўзбекистонда ўсмирлар иштирокида жаҳон биринчилиги ўтказилади.

КХАнинг 2004 йилда ўтказиладиган мусобақалари тақвимида дунёнинг турли бурчакларида бўладиган йигирма турини жой олган. Ушбу мусобақаларнинг дастлабкиси 20-21 февраль кунлари Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида бўладиган «Olympic Nore» халқаро турниридир.

ЎЗА.

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Қибрай тумани мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг акробатика тури бўйича туман биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашувда иштирок этган 110 нафар ўғил-қизлар ичида 1-мактабдан ака-ука Фарход ва Фаррух Усмонов, 15-мактабдан ака-ука Акмал ва Фаррух Раҳимжонов, 22- мактаб ўқувчиси Нигора Ауловаларнинг қўли баланд келди.

Ғолибларга мусобақа ташкилотчиси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг эс-далик совғалари топширилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Комикслар кўргазмасига марҳамат!

Замонавий санъат марказида «Франциялик ўн нафар комикс муаллифи» деб аталган кўргазма ўтказилади. У Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази томонидан уюштирилди.

Франция комикслари айниқса XX асрнинг сўнгги йилларида ривожланди. Ҳозир ушбу йўналишда ёш рассомлар ҳам таниқли мўйкалам усталари билан бир қаторда муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Кўргазмада Бенуа Жак, Жан Пьер Дюфур, Пьер Дюба, Маржан Сатрапи, Марк

Антуан Матье ва бошқа рассомларнинг энг яхши ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада эллиқдан ортиқ француз комиксларини кўриш мумкин. Уларда рассомлар ҳаётда учрайдиган камчиликларни қўлга остига олган.

ЎЗА.

Биринчи миллий танлов

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Itesa-Osiyo» ҳаққаро кўргазма компанияси томонидан ўтказиладиган «Реклама ва дизайн» биринчи миллий танловига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, бу тадбир маҳаллий рекламанинг ижодий ютуқларини излаб топиш ва оммалаштириш, унинг профессионал даражасини ошириш ҳамда энг иқтидорли муаллифларнинг реклама бозорига йўналтиришга қаратилган.

«Itesa-Osiyo» компанияси мамлакатимиз-

да тўрт йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Шу давр ичида у Тошкентда 20 га яқин турли махсус кўргазма ўтказди. Бу йил компания «Uzbuild – 2004», «InterFood Uzbekistan – 2004» каби ва бошқа 11 ана шундай кўргазма ўтказишни режалаштирмоқда.

ЎЗА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТНИНГ ПРАВА

Муассиси: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Шеффонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Ёшларлар: 133-58-85, 136-53-54

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Ёшлар ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ёшлар берувчилар масъулдир.